

**ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**ТАЙЁР ДОРИ ТУРЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ
САНОАТ ФАРМАЦИЯСИ ЙЎНАЛИШИ УЧУН**

**“ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ”**

фанидан маърузалар матни

**МАВЗУ: “ЭКСТРАКТ КОНЦЕНТРАТЛАР ОЛИШ
УСУЛЛАРИ. СИФАТИНИ БАҲОЛАШ”**

Тузувчи: проф.

Х.К.ЖАЛИЛОВ.

ТОШКЕНТ – 2006

Маъруза режаси:

1. Экстракт концентратлар.
2. Экстракт концентратларни ишлаб чиқаришдан кузатиладиган мақсад.
3. Экстракт концентратларни олишдаги технологик босқичлар
4. Суюқ ва қуруқ экстракт концентратларни олиш усуллари.
5. Суюқ ва қуруқ экстракт концентратлар сифатини баҳолаш.

Адабиётлар.

1. Иванова Л.А. Технология лекарственных форм.- М., 1991
2. Маҳкамов С.М., Усуббоев М.У., Нуритдинова А.И. Тайёр дорилар технологияси.- Тошкент, 1994.
3. ГФ XI изд., вып. 2.- М.,1990.
4. Маҳкамов С.М., Усуббоев М.У., Нуритдинова А.И. Тайёр дорилар технологияси (практикум).- Тошкент, 1991.- Б.19.
5. Миралимов М.М. Йиғинди препаратлар технологияси. Тошкент 2002.
6. ТДТТ фанидан маърузалар матни. Тошкент 2006.

КОНЦЕНТРАТ-ЭКСТРАКТЛАР

Булар экстрактларнинг махсус гуруҳи бўлиб, дорихона шароитида сувли ажратмалар тайёрлаш учун ўсимлик хом ашёси ўрнига ишлатишга мўлжалланган. Дорихона шароитида ўсимлик хом ашёси таркибидаги таъсир қилувчи моддаларни сақлаб қолиш сабабли баҳоланмайдиган дори тури бўлган суюқлик - ажратмалар учун муҳимдир. Уларни аниқ баҳоланган концентрат экстрактлардан тайёрлаш маҳсулот сифатини, беморларга хизмат қилиш маданиятини ошириш имконини беради. Шунга кўра иложи борица бу гуруҳ препаратларини концентратлардан тайёрлашга ўтиш мақсадга мувофиқдир. Улар суюқ ва қуруқ бўлади. Суюқ концентрат экстрактларни тайёрлаш ажратма олиш, ёт моддалардан тозалаш, баҳолаш каби технологик босқичлардан иборат.

Суюқ концентрат – экстрактлар.

Булар спирт-сувли ажратмалар бўлиб, 1:2 нисбатда тайёрланади, яъни 1 оғирлик қисм хом ашёдан 2 оғирлик қисм экстракт олинади. Улардан дамлама ёки қайнатмалар тайёрлашда рецептда ёзилган хом ашёга нисбатан 2 марта кўп миқдорда олиб, керакли ҳажмгача сув билан суюлтирилади. Суюқ концентратлар асосан перколяция ва реперколяция усулларида олинади. Суюқ концентрат экстрактларни Москва илмий-текшириш фармация олийгоҳи олимлари томонидан таклиф этилган усулда олинади.

Суюқ экстракт концентратларни олиш усуллари:

1. ВНИИФ усулида олиш – бу усулда 3 та ерколятордан фойдаланилади. Хом ашё перколяторларга баробар миқдорда солинади. 1-перколятордаги хом ашёга рйнасимон қават ҳлосил бўлгунча ажратувчи солинади ва 2 соатга қолдирилади. Кейин 1-перколятордаги суюқлик 2-га ўтказилади, 1-га тоза ажратувчи солинади ва улар 2 соатга қолдирилади.сўнгра 2-перколятордаги

суяқлик 3-га ўтказилади. 1-даги 2-га ўтказилади. 1-га яна ойнасимон қават ҳосил бўлгунча ажраувчи солинади ва учала перколятор 24 соатга қолдирилади. Сўнгра 3-перколятордан шу перколятордаги хом ашёга нисбатан 2 марта кўп миқдордаги ажратма қуйиб олинади. Кейин 2-перколятордаги суяқлик 3-га ўтказилади, 1-даги 2-га ўтказилади. 1-перколятор батареядан узилади. 2- ва 3- перколяторлар 2 соатга қолдирилади. 3-перколятордан яна ундаги хом ашёга нисбатан 2 марта кўп миқдорда ажратма қуйиб олинади. 2-даги ажратма 3-га ўтказилади. 2 перколятор батареядан узилади. 3-перколятор 2 соатга қолдирилади ва охирги порция ажратма қуйиб олинади. Ҳамма ажратмалар бирлаштирилади. 10⁰С дан юқори бўлмаган ҳароратда камида 2 кунга қолдирилади ва филтрлаш орқали ёт моддалардан тозаланади.

ВНИИФ усулида валерианани, арслонқуйруқни баҳорий суяқ экстракт концентратлари корхона шароитида олинади. Умуман экстракт концентратлар паст қувватли этил спиртида (20, 25, 30 баъзан 40% ли спирт) тайёрланади. Сабаби бу экстрактлар сувли ажратмалар тайёрлаш учун ишлатилганлиги сабабли таркиби бўйича сувли ажратмалар таркибига яқинлаштиришдир.

Суяқ экстракт концентратлар тез оқувчан реперколяция усулида ҳам олинади. Экстракт

Қуруқ экстракт концентратларни олиш технологияси.

Қуруқ экстракт концентратлар мацерация, реперколяция ва қарши оқимларда олиниши мумкин. Қуруқ концентратлар одатда 1:1 га тайёрланади.

Гулхайри қуруқ экстракт концентратини мацерация усулида олиш.

Олдиндан майдаланган гулхайри илдизи ёлғон тубли мацерацион бакка солинади ва унинг устига 10 марта кўп миқдорда 20 % спирт солиб аралаштириб, 10 соатга қолдирилади. Кейин ажратма қуйиб олинади ёт моддалардан тозаланади. Спирт нормал атмосфера босимда хайдалада сувли қисми эса вакуум остида 2 жўвали (вальцовка) вакуум қуритгичларда қурилади. Сўнгра уни таркибидаги шиллик моддалар миқдори 96% ли

спирт билан чўктириб, оғирлик усулида аниқланади.

СУЮҚ ВА ҚУРУҚ ЭКСТРАКТ-КОНЦЕНТРАТЛАР СТАНДАРТИЗАЦИЯСИ.

Суюқ ва қуруқ экстракт-концентратлар сон кўрсаткичлари ва таъсир қилувчи моддаси бўйича стандартизация қилинади.

Суюқ ва қуруқ экстракт-концентратлар ташқи кўриниши, ранги, мазаси ва хиди бўйича, ҳамда зичлиги, спиртнинг қуввати қуруқ қолдиқ, оғир металл тузлари бўйича баҳоланади. Қуруқ қолдиқ, спиртнинг қуввати, оғир металл тузлари настойкадаги усуллар билан мос равишда аниқланади. Лекин суюқ концентратлар беқарор бўлади. Чунки улар паст концентрациядаги спиртда тайёрланади. суюқ экстракт концентратларни сақланиш муддати 6 ойни ташкил этади. Қуруқ экстракт концентратларда оғир металл тузлари, намликни миқдори аниқланади.

Суюқ ва қуруқ экстракт-концентратлардаги таъсир қилувчи модда биологик, кимёвий ёки физик-кимёвий усулларда МТХ га мувофиқ аниқланади.